

---

## “ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ЎРНИ”

“ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ЎРНИ”

Айни дамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги 92-сонли қарорига мувофиқ маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тизимнинг мазмун-моҳиятини оммалаштириш, олимлар ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилиш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёшлар етакчиларининг ўрни” мавзусида Республика Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтмоқда.

Онлайн-конференция шаклида бўлиб ўтаётган мазкур сиёсий тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлар Агентлиги Сўх тумани бўлими вакиллари, маҳаллаларда фаолият бошлаган ёшлар етакчилари қатнашмоқда.

- Онлайн илмий-амалий конференцияда биз - Сўх тумани вакиллари туман халқ таълими бўлимидан иштирок этмоқдамиз. Ташкил этилган онлайн илмий-амалий конференцияда Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Қ. Қуронбоев, Олий Мажлис Сенати раиси Т. Норбаева, Олий Мажлис қонунчилик Палатаси спикери Н. Исмоилов, Ўзбекистон Ёшлар ишлар Агентлиги директори А. Саъдуллеавлар турли мавзуларда маъруза қилишди. Ёшлар етакчиларининг вазифалари ва уларнинг зиммаларидаги касбий масъулиятлари тушунтирилди, - дейди Ёшлар ишлари Агентлиги Сўх тумани бўлими раҳбари Исожон Мастонов.

Ёшлар масалаларига бағишланган Республика илимий-амалий конференцияси давом этмоқда.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-04-15 16:39:01